

**ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИ ТОМОНИДАН БАНДЛИГИ  
ТАЪМИНЛАНМАГАН, МЕХНАТГА ЛАЁҚАТЛИ БЎЛГАН ДОИМИЙ  
ДАРОМАД МАНБАИГА ЭГА БЎЛМАГАН ШАХСЛАРНИ ШУНИНГДЕК  
ИШСИЗЛИКНИ АНИҚЛАШ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА БУ  
БОРАДА ИЖТИМОЙ ПРОФИЛАКТИКА МЕХАНИЗМЛАРИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси 3-ўқув курси  
310-гуруҳ курсанти Абдурашидов Иброҳим Арофатали ўғли*

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси  
Давлат-ҳуқуқий фанлар ва инсон ҳуқуқларини  
таъминлаш кафедраси ўқитувчиси, майор  
Нияматов Шерзод Ниматжонович*

**Аннотация:** Мазкур мақола Ўзбекистонда профилактика инспекторлари томонидан меҳнатга лаёқатли, бандлиги таъминланмаган ва доимий даромад манбаига эга бўлмаган шахсларни аниқлаш ҳамда уларга ижтимоий профилактика чораларини қўллаш фаолиятини такомиллаштиришга бағишланган. Конституциянинг “муносиб меҳнат” ҳуқуқи, Президент қарорлари, “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонун ва “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойили таҳлил қилинади. Ишсизликнинг криминологик роли ва яқка тартибдаги профилактика механизмлари кўриб чиқилади.

**Калит сўзлар:** профилактика инспектори, ишсизлик, муносиб меҳнат, ижтимоий профилактика, Обод ва хавфсиз маҳалла, рақамли технологиялар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги ПҚ–2896-сон қарори билан ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолияти тубдан қайта кўриб чиқилиб, профилактика инспекторларининг масъулияти, ваколатлари, имкониятлари ва жамоатчилик билан ҳамкорлиги янги босқичга олиб чиқилди. Мазкур қарор профилактика инспекторларининг аҳоли, айниқса ижтимоий хавфли тоифалар — меҳнатга лаёқатли бўла туриб бандлиги таъминланмаган, ишсиз, доимий даромад манбаига эга бўлмаган шахслар билан тизимли иш олиб боришини таъминлайдиган ҳуқуқий ва ташкилий асос сифатида хизмат қилади. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Конституциясида “муносиб меҳнат” ҳуқуқининг мустаҳкамланиши профилактика инспекторлари зиммасига янги вазифа ва масъулиятларни юклайди. Эндиликда фуқароларнинг фақат ишга эга бўлиши эмас, балки уларнинг муносиб даромад олиши, меҳнат ҳуқуқларидан тўлиқ фойдаланиши ҳам давлатнинг қафолати ҳисобланади. Шу

боис профилактика инспекторлари меҳнатга лаёқатли, бироқ муносиб даромад манбаига эга бўлмаган шахсларни аниқлаш ва уларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш механизмларига йўналтиришда муҳим ўрин тутди. Ҳукукбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги Қонун эса бу фаолиятнинг бевосита ҳуқуқий механизмларини белгилаб, ишсизликни ҳукукбузарликка олиб келувчи хавфли омил сифатида кўради ва профилактика инспекторлари томонидан ушбу тоифа шахсларни аниқлаш, ҳисобга олиш ва улар билан манзилли тарзда иш олиб боришни мажбурий вазифа сифатида белгилайди. Шу нуқтаи назардан, бандлиги таъминланмаган, доимий даромад манбаига эга бўлмаган шахслар билан ишлашда профилактика инспекторларининг роли нафақат ҳуқуқий зарурат, балки жинойатчиликнинг олдини олиш ва жамиятда ҳуқуқ-тартиботни таъминлашнинг энг самарали воситаларидан бири ҳисобланади. Мазкур мавзунинг долзарблиги айнан шунда намоён бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги ПҚ–2896-сон қарори<sup>1</sup> ва унга илова қилинган “Ички ишлар органлари таянч пункти тўғрисидаги низомда чки ишлар органларининг ҳукукбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш, профилактика инспекторларининг масъулияти, имконияти, ваколатлари ва жамоатчилик билан ҳамкорлигини кучайтириш асосий мақсад қилиб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг янги таҳрирдаги 42-моддаси<sup>2</sup> меҳнат ҳуқуқларини энг кенг ва замонавий шаклда кафолатлайди. Ушбу модданинг профилактика инспекторлари (ички ишлар органларининг профилактика инспекторлари) томонидан бандлиги таъминланмаган, меҳнатга лаёқатли, доимий даромад манбаига эга бўлмаган шахсларни аниқлаш фаолиятидаги аҳамияти жуда катта. Аввалги Конституцияда фақат “меҳнат қилиш ҳуқуқи” бор эди. Янги таҳрирдаги конституцияда “муносиб меҳнат” деб белгиланган. Бу эса халқаро меҳнат стандартлари билан тўлиқ мослашганлигини билдиради. Профилактика инспекторлари учун бу шуни англатадики, энди улар фақат “ишсиз” эмас, балки меҳнатга лаёқатли бўла туриб, муносиб (яъни қонуний, хавфсиз, камида энг кам ойлик маошдан кам бўлмаган) иш топа олмаётган шахсларни ҳам аниқлаши керак. “Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори инсоннинг муносиб турмуш даражасини таъминлаш зарурати ҳисобга олинган ҳолда белгиланади” Бу янги жумла жуда муҳим энди энг кам ойлик маош фақат статистик рақам эмас, балки инсоннинг муносиб яшаш даражасини таъминлаши шарт. Профилактика инспекторлари учун бу ҳолат агар одам меҳнатга лаёқатли бўла туриб, ойига маълум бир сумма топиб, “яшаб” юрган

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги ПҚ–2896-сон қарори

<sup>2</sup> <https://lex.uz/docs/6445145/> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси

бўлса-да, бу муносиб турмуш даражасини таъминламайди дегани. Демак, бундай шахсларни ҳам “доимий муносиб даромад манбаига эга эмас” деб ҳисоблаш мумкин ва профилактик ҳисобга олиш асосли бўлади. Шунингдек моддада “ишсизликдан қонунда белгиланган тартибда ҳимояланиш ҳукуқи” бор. Бу дегани, давлат ишсизлик нафақаси, бандликка кўмаклашиш марказлари, қайта ўқитиш ва ҳоказолар орқали ишсизликнинг салбий оқибатларидан ҳимоя қилиши шарт. Агар шахс меҳнатга лаёқатли бўла туриб, бандлик марказига мурожаат қилмаган, иш топишга ҳаракат қилмаётган бўлса, профилактика инспектори уни ушбу конституциявий ҳуқуқдан фойдаланмаётганлиги учун ҳам профилактик чора-тадбирларни амалга ошириши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонуни<sup>3</sup> доирасида профилактика инспекторлари (ички ишлар органларининг профилактика бўлинмалари) томонидан бандлиги таъминланмаган, меҳнатга лаёқатли, доимий даромад манбаига эга бўлмаган шахсларни аниқлаш фаолиятининг аҳамияти жуда катта. Масалан қонуннинг 4-моддасида профилактиканинг асосий вазифаларидан бири сифатида «ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, ўрганиш, бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш» кўрсатилган. Ишсизлик ва доимий даромаднинг йўқлиги криминологик тадқиқотлар ва амалиётда жиноятчиликнинг энг муҳим сабаблари ва шарт-шароитларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун профилактика инспекторлари ушбу тоифадаги шахсларни аниқлаш орқали ҳуқуқбузарлик содир бўлиши мумкин бўлган “хавфли омил”ни олдиндан бартараф этишлари мумкин бўлади. Ишсизлик, меҳнатга лаёқатлилиқ, доимий даромад йўқлиги ғайриижтимоий хулқ-атвор белгиси сифатида қабул қилинади. Бундай шахсларга нисбатан профилактика суҳбати (30-модда), расмий огоҳлантириш (31-модда), профилактик ҳисобга олиш (34–39-моддалар) қўлланиши мумкин. Мазкур қонуннинг 16-моддасига кўра профилактика инспекторлари аниқлаган ишсиз шахслар ҳақидаги маълумотларни меҳнат органларига юбориб, уларни иш билан таъминлаш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш чораларини кўрадилар, ушбу орқали ҳуқуқбузарлик содир этишга имкон бераётган шарт-шароитни бартараф этишнинг энг самарали йўли ҳисобланиши мумкин. Жазони ўтаб чиққан шахсларнинг аксариятида иш ва даромад йўқлиги рецидив (такроран жиноят содир этиш) хавфини кескин оширади. Профилактика инспекторлари эса бу тоифадаги шахсларни бандлигини назорат қилиши ва иш топишига кўмаклашиши қонунан белгиланган вазифа ҳисобланади. Профилактика инспекторлари маҳалладаги “ишсиз, даромадсиз” шахсларни маҳалла посбони, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли билан биргаликда аниқлайди ва уларга

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонуни

нисбатан ижтимоий реабилитация чораларини ташкил қиладилар. Профилактика инспекторлари томонидан бандлиги таъминланмаган, лекин меҳнатга лаёқатли ва доимий даромад манбаига эга бўлмаган шахсларни аниқлаш:

- хукукбузарлик содир этилишининг энг кўп учрайдиган сабабини (иктисодий оғир аҳвол) олдиндан бартараф қилишга хизмат қилади;

- рецидив жиноятчиликнинг олдини олишда энг самарали чора сифатида кўрилади (айниқса, илгари судланганлар орасида);

- якка тартибдаги профилактика чораларини (сухбат, огоҳлантириш, профилактик ҳисоб) ўз вақтида қўллаш имконини беради;

- меҳнат органлари, маҳалла, ёшлар ишлари агентлиги билан ҳамкорлигига сабаб бўлиб хизмат қилади;

- жамиятда қонунийлик ва ҳукук-тартиботни мустаҳкамлашга сабаб бўлди.

2021 йил 1 октябрь ҳолатига Ўзбекистон доимий аҳолисининг ёш гуруҳлари бўйича таркибида меҳнатга лаёқатли ёшдагилар 57,8 фоизни ташкил этган. Бундан ташқари, меҳнатга лаёқатли ёшдан кичиклар 31,1 фоиз, меҳнатга лаёқатли ёшдан катталар 11,1 фоизга тенглиги ҳақида баён этилган.<sup>4</sup> Агентлик 2024 йилнинг 1 январь ҳолатига Ўзбекистон доимий аҳолисининг ёш гуруҳлари бўйича таркибини эълон қилган. Унга кўра меҳнатга лаёқатли ёшдан кичиклар – 11,8 млн киши (32,1 %), меҳнатга лаёқатли ёшдагилар – 20,7 млн киши (56,3 %), меҳнатга лаёқатли ёшдан катталар – 4,3 млн кишини ташкил этганлиги қайд этилган. (11,6 %)<sup>5</sup>.

“Меҳнатга оид ҳукук лаёқати” — бу шахс қонун бўйича меҳнат қилиш ҳуқуқларига эга бўлиш, “меҳнатга оид муомала лаёқати” эса шахс ўзи меҳнат ҳуқуқларини эгаллаши ва меҳнат мажбуриятларини юкланиши, уларни бажариши ҳуқуқий жиҳатдан имкониятга эга эканлигини англатади. Шунингдек Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексининг 20-моддасида “ходимнинг меҳнатга оид ҳуқуқ лаёқати ва муомала лаёқати” тушунчаси ҳам келтириб ўтилган бўлиб, ушбу тушунчани моҳиятини англаш келгусида ушбу шахслар билан ишлашда аҳамиятли ҳисобланади.

Доимий даромад манбаига эга бўлмаган шахслар – бу ўзлари мунтазам равишда даромад олиш имкониятига эга бўлмаган, яъни доимий иш ҳақи, ишлаб чиқаришдан олинган даромад ёки бизнесдан барқарор даромадга эга бўлмаган шахслар. Ўзбекистон қонунчилигида (масалан, ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий нафақалар тўғрисидаги қонунларда) доимий даромад манбаига эга бўлмаган шахслар қуйидагилар бўлиши мумкинлиги назарда тутилган:

- Ишламайдиганлар: яъни муваққат ишламайдиган ёки ишсиз бўлган

<sup>4</sup> <https://kun.uz/kr/news/2021/10/12/ozbekistonda-aholining-necha-foizi-mehnatga-layoqatli-ekani-malum-qilindi?q=%2Fuz%2Fnews%2F2021%2F10%2F12%2Fozbekistonda-aholining-necha-foizi-mehnatga-layoqatli-ekani-malum-qilindi>

<sup>5</sup> <https://sputniknews.uz/20240204/ozbekiston-aholi-mehnat-layoqat-42337763.html>

фуқаролар;

-Талаба ёшлар: доимий иш ҳақи йўқ, даромадлари эса мавжуд шартлар асосида (масалан, стипендия) чекланган;

-Қарийлар ёки ногиронлар: меҳнат қобилияти чекланган, доимий ишга лаёқатсиз, шунинг учун барқарор иш ҳақи йўқ;

-Муваққат ва фриланс ишчилар: доимий шартнома асосида ишламайди, даромадлари мунтазам эмас;

-Кам таъминланган оилалар аъзолари ёки ижтимоий ҳимояга муҳтож шахслар: уларнинг доимий иш ҳақи ёки барқарор даромадлари бўлмаслиги мумкин.

Ички ишлар органлари асосан қуйидаги вазифаларни бажаради:

-фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;

-жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкани муҳофаза қилиш;

-Конституциявий тартиб ва қонун устуворлигини таъминлаш;

-шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар органлари тўғрисидаги қонунга кўра ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикасини амалга ошириш қуйидагиларда номоён бўлади. Қонуннинг 2-моддасига кўра ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси вазифаси бевосита маҳалла даражасида профилактика инспекторлари ва таянч пунктлари (15-модда), шунингдек маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари (15<sup>1</sup>-модда) орқали амалга оширилади. Демак, профилактика инспектори— бу жинойтчилик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий ижроچиси ва масъул субъекти ҳисобланади. Бу вазифалардан кўринадики, профилактика инспекторлари ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва профилактика қилишда асосий фаолият юритувчи бўгин ҳисобланади. Ички ишлар органлари ўз вазифаларини бажариш учун давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади, жинойтлар ва ҳуқуқбузарликларга оид маълумотларни алмашади, бу ҳамкорлик электрон шаклда ҳам бўлиши мумкин. Профилактика инспекторлари ҳам бу жараёнда фуқаролар ва ташкилотлар билан ахборот алмашиш ва ҳамкорлик қилишда иштирок этади. Профилактика инспекторининг бандлиги таъминланмаган, даромад манбаи йўқ шахсларни аниқлаш фаолияти қонунда очик-ойдин “ишсизларни аниқлаш” деб ёзилмаган бўлса-да, қуйидаги нормалардан келиб чиқиб, бу вазифа унинг кундалик профилактика фаолиятининг ажралмас қисми экани аниқ: Жинойтчиликнинг энг кўп сабабларидан бири – ишсизлик, қашшоқлик, даромад манбаининг йўқлиги бўлиб, профилактика инспекторларининг “маҳаллабай” ва “хонадонбай” ўрганиш жараёнида ҳар бир меҳнатга лаёқатли шахснинг бандлик ҳолатини

аниқлашлари кўзда тутилган. Агар шахс ишсиз, доимий даромад манбаи йўқ бўлса – бу маълумот маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари кенгашига киритилади, у ерда маҳалла раиси, профилактика инспектори, хотин-қизлар масалалари инспектори, ёшлар етакчиси ва бошқалар иштирок этади. Кейинчалик бу шахслар бандликка кўмаклашиш марказларига йўналтирилади, “Ёшлар дафтари”, “Аёллар дафтари”, “Темир дафтар”га киритилади, зарур бўлса, профилактик ҳисобга олинади (агар бошқа хавф омиллари бўлса). Профилактика инспектори – маҳалладаги жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий масъул ходими бўлиб, у қонунан (15- ва 15<sup>1</sup>-моддалар асосида) белгилаб берилган. Уларнинг бандлиги таъминланмаган, меҳнатга лаёқатли, лекин доимий даромад манбаи йўқ шахсларни аниқлаш фаолияти – бу унинг кундалик профилактика ишининг ажралмас, қонунан белгиланган ва амалиётдаги аниқлаш лозим бўлган қисмидир. Профилактика инспекторлари маҳалладаги ҳар бир ишсиз ёки даромадсиз меҳнатга лаёқатли шахсни аниқлаб, улар билан профилактик иш олиб боради ва зарурат бўлса, тегишли чоралар кўради.

Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонунига кўра, профилактика инспекторининг бандлиги таъминланмаган, меҳнатга лаёқатли бўлган, доимий даромад манбаига эга бўлмаган шахслар билан ишлаш фаолияти қонунда белгиланган ҳуқуқбузарликлар профилактикаси турларидан ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси (индивидуал профилактика) турига киради. Қонунда профилактиканинг тўрт тури белгиланган:

Умумий профилактика (жамият ва давлат даражасидаги умумий чоралар);

Махсус профилактика (муайян гуруҳлар учун);

Якка тартибдаги профилактика (шахсларнинг индивидуал хавф омилларини ҳисобга олган ҳолда);

Виктимологик профилактика (жабрланувчиларни ҳимоя қилиш) сифатида баҳоланади. Ушбу фаолият якка тартибдаги профилактика турига киришининг сабаби чунки улар маҳалладаги муайян шахслар (ишсиз, даромадсиз, лекин меҳнатга қобилиятли фуқаролар) билан бевосита ишлашни, уларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ўрганишни ва ҳуқуқбузарликка йўл қўймаслик учун индивидуал чораларни кўришни назарда тутди. Ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси,

қонунинг 28–42-моддаларида акс этган бўлиб, бу моддаларда индивидуал профилактиканинг механизмлари баён этилган. Профилактика инспектори (ички ишлар органлари ходими сифатида) қуйидаги якка тартибдаги профилактика доирасида қуйидаги чораларни амалга оширади:

28-моддага кўра якка тартибдаги профилактика – ҳуқуқбузарликка мойил

шахслар (шу жумладан иқтисодий муаммолар туфайли хавф остида бўлганлар) билан индивидуал ишлашни ўз ичига олади;

30-моддасига кўра профилактик суҳбатлар (профилактика инспектори томонидан ишсиз шахслар билан суҳбатлашиш ва уларнинг муаммоларини муҳокама қилиш);

34–39-моддалар: Профилактик ҳисобга олиш (ишсиз, даромадсиз шахсларни ҳисобга олиш ва улар билан доимий мониторинг). Бу чоралар ишсизлик ва даромад йўқлиги каби омиллар туфайли ҳуқуқбузарлик содир этиш хавфи бор шахсларга қаратилган бўлиб, профилактика инспекторининг маҳалладаги кундалик ишининг асосий қисмидир;

10-модда (Ички ишлар органларининг ваколатлари): Ички ишлар органлари (шу жумладан профилактика инспекторлари) ҳуқуқбузарликлар сабабларини (ишсизлик каби) аниқлаб, бартараф этиш, ҳамда 35-моддага кўра шахсларни профилактик ҳисобга олишни амалга оширади. Бу индивидуал профилактиканинг тўғридан-тўғри кўрсаткичи;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 30 ноябрдаги 801-сонли қарори («Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойили асосида маҳаллаларда ижтимоий профилактика тизими самарадорлигини ошириш чоратадбирлари тўғрисида)га кўра, ижтимоий профилактика – бу ҳуқуқбузарликлар содир этиш ёки улардан жабрланганлик эҳтимоли юқори бўлган шахсларга ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий, педагогик ва бошқа турдаги ёрдам кўрсатиш орқали амалга ошириладиган чора-тадбирлар мажмуидир деб белгилаб қўйилган. (Низомнинг 2-банди). Ушбу қарор ижтимоий профилактикани маҳалла даражасидаги асосий механизм сифатида белгилаб, унга “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойилини жорий этиш орқали самарадорлигини оширишни назарда тутди. ушбу қарордан келиб чиқиб, ижтимоий профилактиканинг асосий жиҳатларини баён этиш муҳим аҳамият касб этади. Бинобарин ижтимоий профилактиканинг мақсадларидан яна бири бўлиб, ҳуқуқ тартиботни сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш ҳисобланади.

Ижтимоий профилактиканинг вазифалари бўлиб эса қуйидагилар ҳисобланади:

-ижтимоий муаммоларни комплекс ҳал этиш: бандлиги таъминланмаган шахсларни иш билан таъминлаш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш, психологик ва тиббий ёрдам кўрсатиш;

-жамиятда яшовчи шахслар ўртасида (маҳалларда) салбий одатлар (спиртли ичимликлар, гиёҳванд моддалар, қимор ўйинлари)ни ва ижтимоий хавфларни бартараф этиш;

-маҳаллаларда “маҳалла етиклиги”ни (маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, аёллар фаоли, профилактика инспектори, ижтимоий ходим, солиқ инспектори) ишини ташкил этиш орқали ҳуқуқбузарликка қарши кураш бўйича самарадорликни ошириш (Қарорнинг 1-банди, “б” банди) ҳисобланади.

Мазкур қарор билан тасдиқланган «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойили асосида маҳаллаларда ижтимоий профилактика тадбирларини амалга ошириш тартиби тўғрисида низомда ижтимоий профилактика бўйича умумий қоидалар сифатида бир нечта тушунчалар берилган бўлиб, қуйида мазкур тушунчаларга тўхталиб ўтамиз.

-ижтимоий профилактика тадбирлари — ҳуқуқбузарлик содир этиш ёки ундан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахсларга ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий, педагогик ва бошқа турдаги ёрдамлар кўрсатишда амалга ошириладиган тадбирлар мажмуидир;

-ижтимоий профилактика тадбирларини амалга оширувчи субъектлар — маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, профилактика инспектори, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, ижтимоий ходим ва солиқ инспектори;

-ижтимоий профилактика тадбирларини амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар — меҳнат органи ходими, тиббиёт ходими, мактаб директори ва мактаб психологи, инспектор-психолог, шунингдек, ижтимоий профилактика тадбирларини амалга оширувчи субъектларнинг мурожаатига асосан жалб этиладиган туман (шаҳар) даражасидаги тегишли давлат органлари ва ташкилотлари ходимлари;

-ижтимоий профилактика объектлари — ўзига нисбатан ижтимоий профилактика тадбирлари амалга ошириладиган шахсларнинг ижтимоий муаммолари;

-ижтимоий профилактика тадбирлари амалга ошириладиган шахслар — ҳуқуқбузарлик содир этиш ёки ундан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахслар;

Шунингдек низомга кўра Ижтимоий профилактика тадбирлари қуйидаги шахсларга нисбатан амалга оширилади:

а) ҳуқуқбузарлик содир этиш эҳтимоли бўлган шахслар:

-банд бўлмаган ёки доимий даромад манбаига эга бўлмаган ишсиз шахслар;

-спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки инсон ақл-иродасига таъсир этувчи бошқа моддаларга қарам бўлиб қолган шахслар;

-қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларга ружу қўйган шахслар;

-ғайриижтимоий ҳуқ-атворли шахслар;

-қаровсиз ва назоратсиз қолган вояга етмаганлар;

-ишсиз ёшлар ва мактаб битирувчилари;

- давлат кўмагига муҳтож «оғир» тоифадаги ёшлар;
- ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллиги бўлган ёшлар;
- ажрим ёқасига келиб қолган ва низоли оилалар;
- ёрдамга муҳтож бўлган ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизлар;
- мунтазам тазйиқ ва зўравонликка учраб келаётган хотин-қизлар;
- жазони ижро этиш муассасаларидан қайтган ва профилактик ҳисобда турган шахслар;
- оғир аҳволга тушиб қолган ва оғир аҳволга тушиб қолиш хавфи юқори бўлган шахслар;
- тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган шахслар;
- б) ҳуқуқбузарликдан жабрланиш эҳтимоли бўлган шахслар:
- парваришга муҳтож ёлғиз кексалар;
- ногиронлиги бўлган ва оғир касалликка чалинган шахслар.

Профилактика инспекторлари ижтимоий профилактика объектларини (шу жумладан бандлиги таъминланмаган, меҳнатга лаёқатли бўлган, доимий даромад манбаига эга бўлмаган шахсларни) маҳалладаги кундалик иш ўз ичида аниқлайди. Бу гуруҳ ҳуқуқбузарлик содир этиш эҳтимоли юқори шахслар тоифасига киради (Низомнинг 3-банди, “а” банди). Профилактика инспекторлари ўзлари хизмат олиб бораётган ҳудудда бандлиги таъминланмаган меҳнатга лаёқатли бўлган доимий даромад манбаига эга бўлмаган шахсларни қуйидаги тартибда ва усулларда аниқлайдилар:

- Аҳолини “хонадонбай” ўрганиш (маҳалладаги ҳар бир хонадонни чуқур ўрганиш);
- маҳалла фаоллари, уйбоши ва кўчабошилар томонидан берилган маълумотлар;
- жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари;
- суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан жиноят сабаблари ва шароитлари ҳақидаги тақдимномалар;
- бошқа субъектлар (масалан, меҳнат органлари) ва кўмаклашувчи шахслар томонидан тақдим этилган маълумотлар;
- оммавий ахборот воситалари, Интернет ва ижтимоий тармоқлар орқали олинган маълумотлар;
- манфаатдор давлат органлари (масалан, меҳнат ва ижтимоий ҳимоя органлари) томонидан берилган бошқа маълумотлар;

Аниқланган шахслар учун индивидуал ижтимоий мослаштириш дастури ишлаб чиқилади ва чора-тадбирлар амалга оширилади. Бу жараён ҳуқуқбузарликларнинг илдизларини (ишсизликни) бартараф этишга қаратилган

(Низомнинг 11–15-бандлари). Ишсиз ва даромадсиз шахслар учун хусусий чоралар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

-ҳоким ёрдамчиси: банд бўлмаган ёки доимий даромад манбаига эга бўлмаган ишсиз шахсларни касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитиш, ҳамда бандлигини таъминлаш чораларини кўради.

-кўмаклашувчи шахслар: Меҳнат органи ходими – ишсиз шахсларни бандликка йўналтириш (Низомнинг 20-банди, “а” банди).

-профилактика инспектори: Профилактик суҳбатлар, ҳаёт тарзини ўзгартириш бўйича кузатув ва маҳалла фаоллари билан ҳамкорлик.

Юқоридаги маълумотлардан келиб чиқган ҳолда профилактика инспекторлари томонидан бандлиги таъминланмаган, меҳнатга лаёқатли бўлган, доимий даромад манбаига эга бўлмаган шахсларни аниқлаш ва уларга нисбатан ижтимоий профилактика чора-тадбирларини қўллаш фаолиятини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини қуйидагича белгилаш мумкин.

#### 1. Ҳуқуқий-норматив базани такомиллаштириш

Конституциянинг 42-моддасида “муносиб меҳнат” тушунчаси жорий этилганидан келиб чиқиб, профилактика инспекторлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини янгилаш зарур. Бу йўналишда “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуннинг 28–39-моддаларини такомиллаштириш орқали ишсизликни “ғайриижтимоий хулқ-атвор” белгиси сифатида аниқроқ белгилаш ва профилактик ҳисобга олишнинг янги мезонларини (масалан, даромад миқдорининг энг кам ойлик маошдан пастлиги) киритиш.

Президент ПҚ-1-сон Қарорига мувофиқ, виктимологик профилактикани мустақил категория сифатида қонунга киритиш, бу орқали ишсиз шахсларни нафақат ҳуқуқбузарлик содир этиш, балки жабрланувчи бўлиш хавфи нуқтаи назаридан ҳам ўрганиш.

#### 2. Рақамли технологияларни жорий этиш ва автоматизациялаштириш

Вазирлар Маҳкамасининг 801-сон Қарорида белгиланган “Е-ижтимоий профилактика” тизимини кенгайтириш орқали аниқлаш ва чораларни қўллашни самарали қилиш:

Тизимни “Е-маъмурий иш” ва видеокузатув камералари билан интеграция қилиш, ҳуқуқбузарлик содир этилганда автоматик ҳулосалар чиқариш ва мониторингни кунлик қилиш.

Ишсизлик статистикасини (2025 йил 1 июль ҳолатига 21,2 млн меҳнатга лаёқатли аҳоли) тизимга киритиш орқали мақсадли гуруҳларни (ишсиз ёшлар, аёллар) автоматик филтрлаш.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикасида меҳнатга лаёқатли, лекин бандлиги таъминланмаган ва доимий муносиб даромад манбаига эга бўлмаган шахслар билан ишлаш профилактика инспекторлари фаолиятининг

энг муҳим йўналишларидан бирига айланди.<sup>6</sup> Ўзбекистонда профилактика инспекторларининг меҳнатга лаёқатли, бироқ бандлиги таъминланмаган ва доимий даромад манбаига эга бўлмаган шахсларни аниқлаш ҳамда уларга нисбатан ижтимоий профилактика чораларини қўллаш фаолиятини такомиллаштириш масалаларига бағишланган. Ишсизлик криминологик нуқтаи назардан ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликнинг асосий сабабларидан бири сифатида таҳлил қилинади, бу эса жамоат хавфсизлиги ва ижтимоий барқарорликка жиддий таъсир кўрсатади. Мақола Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг янги таҳрирдаги 42-моддасидаги “муносиб меҳнат” ҳуқуқи, Президентнинг 2017 йилги ПҚ–2896-сон қарори, “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонун (2014 йил) ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йилги 801-сон қарори (“Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойили) каби норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни чуқур таҳлил қилади. Ушбу ҳужжатлар профилактика инспекторларининг вазифаларини – ишсиз ва даромадсиз шахсларни аниқлаш, ўрганиш, профилактик ҳисобга олиш, суҳбатлар ўтказиш, расмий огоҳлантириш ва ижтимоий реабилитация чораларини қўллашни – қонунан мустаҳкамлайди. Фаолият якка тартибдаги (индивидуал) профилактика турига киради ва “маҳалла етиликлиги” (профилактика инспектори, маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси ва бошқалар) билан ҳамкорликда амалга оширилади. Ишсизликнинг криминологик роли таъкидланади: у гайриижтимоий хулқ-атвор ва рецидив жиноятчилик хавфини оширади. Мақолада Ўзбекистон аҳолисининг демографик таркиби (2024–2025 йилларда меҳнатга лаёқатли аҳоли 56–57% ни ташкил этиши) ва меҳнатга лаёқатлилик, бандлик, доимий даромад тушунчаларининг ҳуқуқий моҳияти очиб берилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхати:**

#### **Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (янги таҳрир, 2023 йил 30 апрель халқ референдумида қабул қилинган). // <https://lex.uz/docs/6445145>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 26.03.2021 йилдаги ПФ-6196-сон «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2021 йил, 13-сон, 97-модда.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги ПҚ–2896-сон қарори

<sup>6</sup> Нейматов, Шерзод Ниматжонович. "«МУНОСИБ МЕҲНАТ ҚИЛИШ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚИНИ ТАЪМИНЛАШДА ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ РОЛИ: ЎЗБЕКИСТОНДА ИШСИЗЛИК ВА КАМ ДАРОМАД БИЛАН БОҒЛИҚ ПРОФИЛАКТИК FAOLIYATNI TAKOMILLASHTIRISH»." Лучшие интеллектуальные исследования 58.1 (2025): 272-287.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12.04.2017 йилдаги ПҚ-2883-сон «Ички ишлар органлари фаолиятини тубдан ислоҳ қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори. // <https://lex.uz/docs/3165013>

5. Ўзбекистон Республикасининг 14.05.2014 йилдаги ЎРҚ-371-сон «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонуни (сўнгги таҳрир 27.10.2022, ЎРҚ-797). // [lex.uz](https://lex.uz)

6. Ўзбекистон Республикасининг 16.09.2016 йилдаги йилдаги ЎРҚ-407-сон «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги Қонуни.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 03.01.2025 йилдаги «2025 йилда маҳаллаларда жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш ва жамоат хавфсизлигини таъминлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1-сон қарори.

9. Нёзматов, Шерзод Ниматжонович. «Муносиб меҳнат қилиш конституциявий ҳуқуқини таъминлашда профилактика инспекторларининг роли: ўзбекистонда ишсизлик ва кам даромад билан боғлиқ профилактик фаолиятни такомиллаштириш». "Лучшие интеллектуальные исследования 58.1 (2025): 272-287.